

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПЛАНИ БАЖАРДИ

БУТЎН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАКИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР
КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 253 (1000)

25

ДЕКАБРЬ
ЧОРШАНБА
1957 ЙИЛ

БАҲОСИ
20 ТИЙИН

Ўзбекистон ССР пахта тайёрлаш давлат планини бажарди

Ўзбекистон ССР колхозчилари, МТС ва совхоз ходимлари, қишлоқ ҳўжалик мутахассислари, партия, совет органлари КПСС XX съездининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, Октябрь қирқ йиллиги шарафига олган мажбуриятларини бажариш учун курашиб, пахта ва бошқа қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан катта ишлар қилдилар.

Ўзбекистон пахтакорлари бу йил иқлим шароитлари ҳолати натижасида юз берган зўр қийинчиликларни енгиб, КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг гоят катта ёрдамига таяниб, агротехниканинг янги прогрессив усулларини жорий этиб астойдил фидокорона меҳнат қилиш натижасида мўл ҳосил етиштирдилар ҳамда пахта тайёрлаш давлат планининг муддатидан олдин бажарилишини таъминладилар ва давлатга 2750 минг тонна пахта топширдилар, бу пахтанинг 80 процентдан кўпроги биринчи сортларга қабул қилинди. Пахта тайёрлаш давом этдирилмоқда.

Республиканинг энг йирик пахтакор областларидан бири бўлган Андижон областининг колхоз ва совхозлари давлатга 1956 йилдаги қараганда 31 минг тонна кўп—450 минг тонна пахта топшириб, яъни 158 минг гектар ернинг ҳар гектаридан 28,5 центнердан ҳосил олиб; Сурхондарё областининг колхоз ва совхозлари ўтган йилдаги 31 минг тонна кўп—233 минг тонна пахта топшириб, яъни совет сорти пахтасининг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил етиштириб; Қашқадарё областининг колхоз ва совхозлари ўтган йилдаги 10 минг тонна кўп—126 минг тонна пахта топшириб, яхши натижаларга эришдилар. Республиканинг шимолда жойлашган районлар катта ютуқларни қўлга киритдилар. Хоразм областининг колхоз ва совхозлари давлатга 240 минг тонна, ўтган йилдаги нисбатан 27 минг тонна кўп пахта топширдилар, гектаридан 23 центнердан ҳосил олдилар.

Қорақалпоғистон АССР колхоз ва совхозлари давлатга ўтган йилдаги нисбатан 17 минг тонна кўп—183 минг тонна пахта топширдилар. Қорақалпоғистоннинг янги ташкил этилган пахтакор совхозлари пахта тайёрлаш планини ортиғи билан бажардилар.

Тошкент областининг колхоз ва совхозлари давлатга 405 минг тонна пахта топширдилар.

Кўпгина йирик районларнинг пахтакорлари ҳар гектар ердан 30 центнердан ва бундан ҳам ошириб пахта ҳосили олдилар. Денов райони 17300 гектар ернинг ҳар гектаридан 37 центнердан, Ўзун райони 35,5 центнердан, Андижон райони 36,0 центнердан, Оржоникидзе райони 37,2 центнердан, Пахтабод райони 35,0 центнердан, Ленин ва Чинобод, Тўрақўрғон ва Наманган районлари 32,2 центнердан пахта топширдилар ва ҳоказо.

164 колхоз ҳар гектаридан 30-45 центнердан ва ундан ҳам ошириб пахта топширди: Денов районидаги «8 март» колхозини ҳар гектардан 46,5 центнердан, Қитоб районидаги Хрущев номи колхоз гектаридан 42 центнердан, шу райондаги Калинин номи колхоз 40 центнердан, Андижон районидаги Сталин номи колхоз 41 центнердан, Оржоникидзе районидаги Хрущев номи колхоз 42 центнердан, Наманган районидаги Сталин номи колхоз 43 центнердан, шу райондаги «Ленинград» колхозини 40 центнердан, Бухоро области Қорақўл районидаги «Октябрь» колхозини 42 центнердан, Бўғот районидаги Нариманов номи колхоз 39 центнердан, Янгиариқ районидаги Киров номи колхоз 37 центнердан, Оқдарё районидаги Қарл Маркс номи колхоз 38 центнердан, Хўжайли районидаги Ленин номи колхоз 36 центнердан, Тўртқўл районидаги Максим Горький номи ва «Ленинизм» колхозлари 35 центнердан пахта топширдилар.

Оқунбобоев районидаги Ленин номи колхоз 2250 гектар ернинг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил топширди. Тўрақўрғон районидаги «Ўзбекистон» кол-

хозини ҳар гектар ердан 38 центнердан ҳосил олиб, давлатга 10053 тонна пахта етказиб берди.

Мирзачўл ерларидаги колхозлардан Сирдарё районидagi «Ҳақиқат» ва Оқунбобоев номи, Бобут районидagi «Коммунизм» колхозлари ҳар гектар ердан 30-40 центнердан пахта топшириб юқори ҳосил олишга муваффақ бўлдилар.

Тошкент, Андижон, Фарғона, Самарқанд шаҳарларининг ҳамда республикадаги бошқа шаҳарлар ва район марказларининг ишчи ва хизматчилари, студент ва мактаб ўқувчилари пахта ҳосилини етиштиришда, айниқса уни йиғиб-териб олишда қишлоқ меҳнаткашларига катта ватанпарварлик ёрдами кўрсатдилар.

Россия Федерацияси, Украина, Белоруссиядаги химия, трактор, машинасозлик саноатининг ва бошқа саноат тармоқларининг ходимлари, шунингдек Озарбойжон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Арманистон Совет Социалистик республикаларининг қишлоқ ҳўжалик меҳнаткашлари Ўзбекистон пахтакорларига бебаҳо ёрдам кўрсатдилар.

Республика қишлоқ ҳўжалик меҳнаткашлари, партия ва совет органлари аҳоли жон бошига гўшт, сут ва ёғ етиштириш юзасидан яқин йилларда АҚШ га етиб олиш тўғрисида КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати қўйган вазифани бажара бориб, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтириш учун социалистик мусобақани авж олтирдилар. Колхоз ва совхозлар сут етиштириш, йирик қорамоллар ва чўчқаларни кўпайтириш планини тўла бажардилар.

Шу йилнинг 11 ойи ичида ҳар бир соғин сигирдан олинган сут миқдори 231 килограммга кўпайди. Республика дон, пилла ва қорақўл тери тайёрлаш планини бажарди, шунингдек, гўшт, сут, жун, туҳум; хом тери ва мўйна, сабзавот, қаноп, жут ва тамаки тайёрлаш ва харид қилиш планини ҳам тўла бажарилди.

Бу йил ўтган йилдаги қараганда давлатга 33,1 минг тонна кўп сут, 1442 тонна кўп жун, 1400 тонна кўп гўшт, 10.000 тонна кўп сабзавот ва картошка, 7 миллион дон кўп туҳум топширилди.

Кузги экинлар экиш муддатидан олдин тугалланди. Колхозчилар, МТС ва совхозларнинг ходимлари, қишлоқ ҳўжалик мутахассислари келгуси йил ҳосили учун зарур бўлган барча ишларни ўз вақтида ва юқори сифатда бажариш, ҳамма ерни шудгорлаб қўйиш, шўр ерларни ювиш, ирригация шохобчаларини тозалаш, МТС, совхоз ва колхозлардаги техникани тайёрлаб қўйиш ҳамда механизатор кадрлар тайёрлаш, чорва қишлоқини муваффақиятли ўтказиш тадбирларини кўймоқдалар.

Республика саноати йиллик плани муддатидан илгари—19 декабрда бажарди. Йил охиригача пландан ташқари бир миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Оғир саноат, машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат саноатлари топшириқини ортиғи билан бажарди. Саноат ва қурилиш бошқарини қайта қурилганлиги ана шу муваффақиятларга эришишга катта имкон берди. Саноат ва уй-жой қурилиши кўзга қўйнарли даражада яхшиланди. Пландан ташқари 700 минг квадрат метр уй-жой майдони фойдаланишга топширилди.

Шу давр ичида республика бўйича товар обороти плани 103,3 процент бажарилди. Меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги янада ўсганлиги, корхоналар тармоғи анча кенгайтирилганлиги, шунингдек савдо-сотиқни ва умумий оқватланишни ташкил этиш яхшиланганлиги натижасида бу йил 1956 йилдаги қараганда қарийб 3 миллиард сўмлик товар кўп сотилди.

Ўзбекистон Совет Социалистик республикаси саноати ва қишлоқ ҳўжалиги меҳнаткашлари КПСС XX съездининг саноат ва қишлоқ ҳўжалигини янада юксалтириш тўғрисидаги тарихий қарорларини муваффақиятли бажариш учун курашда ўз сиёсий ва меҳнат активликларини кун сайин оширмоқдалар.

Мамарасула БОБОЕВ

МЕҲНАТ БАЙРАМИ

Ҳалол меҳнат-роҳат, келгуси,
Катта бахтдир-бизнинг Ватанда.
Шу сабабдан Ватан севгиси
Ширин жондан азиз ҳар танда!

Шу меҳнатнинг бугун шодлиги,
Бахт байрами, пахта байрами.
Пахтакор дўст, қўтлар бу йилги
Ҳалабдин қардошлар жами.

Минг табриққа лойиқсан, ўртоқ,
Мақтовингни қуйласин соғлар.
Раққослар ўйнасин қувноқ,
Қўқдан ошсин қўшқ, овозлар.

Ҳар чаноқнинг юртга қиммати,
Нурдай қадрин билганинг учун
Саратон-у, аёз шиддати
Енгил унга сарф этдинг кучинг.

Бугун юртга муҳаббатингни
Оятин тоғлар ясаб кўрсатдинг.
Хурсанд қилдинг дўст, эланингни,
Бу дўстларки, бари-илгор, тенг.

Қўшиқ қилдим мақтовингизни
Марди-майдон, пахтакор дўстлар,

Алоҳида қўтлайин сизни
Колхозчи қиз, э ширмон юзлар!
Бу бепоён пахтазор бўйлаб,
Ўзла бўйлаб шодлик кезади;
Ҳар хонадон, ҳар юрак кўйлаб
Ўзин маъмур, хурсанд сезади.

Бугун шодан, зафар гурури,
Бахт байрами, пахта байрами,
Қўйла юрак!
Меҳнат, бахт нури —
Қўёш каби қўтлар ўлкаминг.

П. Шестаков чизган расм.

Ўзбекистон пахтакорларининг меҳнат ғалабаси

Республикада пахтакорлари пахта тайёрлаш давлат планини бажаришда ома-Ватанга рапорт бердилар. Мамлакатда 2 миллион 750 минг тонна «оқ олтин» топширилади. Пахта тайёрлашда айниқса Андижон, Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм областлари ва Қорақалпоғистон АССРнинг колхоз ва совхозлари катта муваффақиятларга эришдилар. Бу областлар ва Қорақалпоғистон республикаси пахта тайёрлаш давлат планини бажаришга қўлмай, балки ўзларининг социалистик мажбуриятларини ҳам шараф билан адо этдилар. Тошкент области билан мусобақадан Андижон областининг пахтакорлари 158 минг гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 28,5 центнердан ҳосил олиб, бу йил давлатга 450 минг тонна пахта топширдилар.

Республикада пахта тайёрлаш давлат планининг бажарилиши КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленуми ва СССР Олий Совети сессиясининг қарорлари тўғрисида кенг меҳнаткашлар оммаси ўртасида янги меҳнат кўтаришчилиги пужудга келган, икжодий завоқ ва ғайратнинг янги тўқилари мавж уриб юксалган тарихий ва қувончли кунларга тўғри келди.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг оталарча ғамхўралиги ва ёрдами тўғрисида, республика пахтакорларининг фидокорона меҳнати, партия, совет ва қишлоқ ҳўжалик органларининг ривожлантириш йўлида ана шундай натижаларга эришилди. Колхозчилар, МТС ва совхозларнинг ишчилари, қишлоқ ҳўжалик мутахассислари, партия ва совет ташкилотлари ноқулай об-ҳаво шароити тўғрисида рўй берган бу йилги қийинчиликларни бартараф қилиб, гоят зўр уюшқоқлик кўрсатдилар, ўзларининг куч-қувватларини аймай, пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун астойдил меҳнат қилдилар. Республиканинг барча меҳнат ва моддий ресурслари пахта йиғим-теримини ўз вақтида муваффақиятли ўтказишга сафарбар этилди. Шаҳарларнинг ва район марказларининг меҳнаткашлари, студентлар ва ўқувчилар

колхоз ва совхозларга пахта етиштиришда ва айниқса ҳосилини йиғиб-териб олишда катта ёрдам кўрсатдилар. Пахта йиғим-терими даврида ўз фидокорона меҳнати билан донг чиқарган, граммлардан тонналарни, тоғ-тоғ пахта хирмонларини вужудга келтирган азамат теримчилар сафи янада кенгайди, кўпнинг килограммчилар ҳаракати оммавий ҳаракатга айланиб кетди.

Республикада қишлоқ ҳўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришда ҳам яхши натижаларга эришди. Колхоз ва совхозлар дон, гўшт, сут, туҳум, жун, қорақўл тери, пилла, сабзавот, картошка, мева ва узум тайёрлаш ҳамда харид қилиш планларини муваффақият билан бажардилар. Лўб экинларини экувчи колхозлар давлатга 117 минг тонна қаноп ва жут поёси етказиб бердилар.

Ўзбекистон Халқ ҳўжалиги кенгашлари, меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари ҳамда бошқа министрлик ва идораларга қарашли саноат корхоналари яқин маҳсулот ишлаб чиқариш планини муддатидан илгари, 19 декабрда бажардилар. Саноат маҳсулотининг ҳажми ўтган йилдаги нисбатан 12 процент ошди. Саноатда меҳнат унумдорлиги соҳасида эришилган даража планда белгиланганидан ошиб кетди ва ўтган йилдаги 7 процент ортиқ бўлди.

Тошкент областининг меҳнаткашлари совет пахтачилигини ривожлантиришдан иборат умумхалқ ишига ўз ҳиссаларини қўшдилар. Ҳозиргача пахта тайёрлаш пунктларига 405 минг тоннадан ортиқ пахта топширилди. Республиканинг энг юқори ҳосили районларидан бири ҳисобланган Оржоникидзе райони ҳар бир гектар ердан 37 центнердан ошириб ҳосил етиштирди. Областимиз давлатга пилла ва қорақўл териси, гаалла, гўшт, сут, туҳум, жун, полдиз ва лўб экинлари маҳсулоти топшириш планларини ҳам муддатидан илгари муваффақиятли адо этди.

Плани 17 декабрда бажарилди, ўтган 11 ой мобайнида пландан ташқари 300 миллион сўмдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарили, меҳнат унумдорлиги 1956 йилдаги нисбатан 6,4 процент ошди. Област саноатининг ходимлари йил охиригача пландан ташқари 450 миллион сўмлик маҳсулот беришга қарор қилдилар. Биргина Тошкент саноат корхоналарининг коллективлари йил охиригача пландан ташқари яна 280 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олдилар.

Қўлга киритилган бу муваффақиятлар КПСС XX съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш йўлидаги курашда қўйилган дастлабки қадамларгинадир, ҳоло. Коммунистик партия бизга эришилган муваффақиятлар билан хотиржам бўлиб қолмай, қироллар кетмангиз, деб таълим беради.

Шуни оқиб эътироф этиш керакки, областимиздаги кўпгина колхоз ва совхозлар ўтган қишлоқ ҳўжалик йилида юз берган қийинчиликларни енга олдилар, давлат планини бажармадилар ва ҳосилининг пасайиб кетишига йўл қўйдилар, мавжуд имкониятлар ва ишлаб чиқариш ресурсларидан тўла фойдаланилмади. Ҳозирги вақтда бизнинг асосий вазифамиз—далаларда қолган ҳосилининг ҳаммасини батамом йиғиштириб олишдан, ерларни рўзополардан тозалаш, кузги шудгорлашни ва бошқа кузги-қишқи тадбирларини ўз вақтида ўтказиш учун ҳамма зарур тадбирларни амалга оширишдан иборат. Келгуси йил мўл ҳосилининг тақдирини шу кунларда ҳал қилинади. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда қўрилаётган барча ташкилий ва агротехника тадбирлари 1958 йилда пахтадан ва бошқа қишлоқ ҳўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиришни таъминлашга бўйсундирилиши керак.

Областимиз меҳнаткашлари бутун куч, билан ва қобилиятларини совет пахтачилигини ҳамда қишлоқ ҳўжалигининг бошқа тармоқларини бундан бўён ҳам кучли суратда юксалтириш учун курашга сарфлайдилар.

Пахта-ўзбек халқининг

ОБЛАСТИМИЗНИНГ ИЛҒОР ПАХТАКОРЛАРИ



СУРАТДА: (юқоридан, чапдан ўнгга) Р. Йўлдошев — Ўрта Чирчиқ районидagi Куйбўево номидаги колхознинг раиси. Т. Иноғамов — Янгйўл районидagi Сталин номидаги колхознинг бригадаси бошлиғи. Д. Дусанбетов — Оржоникиде МТС-нинг илгор механигатори. Ким Пен Ха — Ўртасарой районидagi «Полярная звезда» колхозининг раиси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. Х. Бобонидов — В. И. Ленин номидаги Ўрта Осид Давлат университетининг мавсумда 15 тонна пахта терган студенти. Соҳиба Гуломхонова — «Пискент» совхозининг илгор термичиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

да» колхозининг раиси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. Х. Бобонидов — В. И. Ленин номидаги Ўрта Осид Давлат университетининг мавсумда 15 тонна пахта терган студенти. Соҳиба Гуломхонова — «Пискент» совхозининг илгор термичиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Пахтакорларни қутлаймиз

Пахта даладорларининг меҳнаткашлиги партия ва ҳукуматимизнинг доимо қилаётган ғамхўрлиги ва кўрсатётган ёрдами туфайли бу йил об-ҳаво шароити жуда ноқулай келганлигида, айниқса баҳор ва ёз ойларидида сув кам бўлганлиги қарамасдан мўл ҳосил етиштирилди ва давлат планини муваффақият билан бажарди.

Бу йил айниқса фан томонидан ишлаб чиқилган агрономия тадбирлари катта иш берди. Бунинг натижасида чигит тез ва тўла ундириб олинди, ғўзанинг ривожланиш суръати тезлашди, ҳосил тўлаш муддати қисқарди, бу эса ҳосилни сақлаб қолиш ва кўсакларнинг тез пишиши ва очилишини таъминлади.

Квадрат-улаб экиш методининг прогрессив ва фойдали эканлиги яна бир марта тасдиқланди. Шунингдек қатор оралаб сугориш методи ҳам яхши натижалар берди.

Тошкентда бўлиб ўтган пахтачиллик бўйича бирлашган илмий сессия биз, олимлар олдига катта-кичик проблемаларни ҳал қилиш вазифасини қўйди. Биз пахтачилликни янада ривожлантириб, яқин 10-12 йил ичидида республикамиз бўйича йилга 6 миллион тонна пахта етказиб беришда фидокор пахтакорларимизга қўлимиздан келган ҳамма ёрдами беришга тайёрмиз.

К. З. ЗОКИРОВ,

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг президенти.

Республикамиз пахта тайёрлаш планини бажарганлиги тўғрисидаги хўшхабарни эшитиб ниҳоятда қувондим.

Пахтакор ўртоқлар! Порлоқ ғалабагиз билан таъриқлайман. Республикамиздаги пахта бўлаб «оқ олтин» етиштиришда фидокорлар меҳнат қилди, буларча партия ва ҳукуматимизнинг ҳамма кўрсатмаларига амал қилиб, ваъданинг устидан чиқа олдинги. Бундан ҳамма меҳнаткашлар қатори биз, ўқитувчилар ҳам бениҳоя мамнунмиз. Бу ғалабага ўз ҳиссасини қўшган меҳнаткашлар орасида мактабларнинг ўқувчилари, ўқитувчилари ҳам бор.

Республикамиз пахтакорларининг ғалаба рапортлари ёшларни коммунизм руҳида, меҳнатсевар, ватансевар ишчилар қилиб тарбиялашмишда биз, педагогларга янги куч ва ғайрат бағишлайди.

Ҳабиба ЮСУПОВА,

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи.

Республикамизнинг меҳнатсевар пахтакорлари! Пахта етиштириш юзасидан берилган планини муддатидан олдин бажарганлигиниз тўғрисидаги хўшхабар биз ишчиларни гоёт қувонтирди. Қўлга киритган катта ғалабагиз билан таъриқлаймиз ва Ватанимиз пахтачилигини янада ривожлантириш йўлидаги бундан кейинги ишларингизга муваффақиятлар тилаймиш.

1958 йилда бу йилгидан анча кўп «оқ олтин» етиштиришингиз учун биз ҳам кўмаклашамиз — чигит экиш бошлангунча 2 мингта текиловчи-планировщик ва мингтага трактор етказиб берамиз. Пахта ҳосилини тез йиғиб-териб олишнинг учун мукамал пахта териш машиналари етказиб беришга бор куч ва ғайратимизни сарфлаймиз.

Иван ШОКУРОВ,

Тошкент области Советининг депутаты, «Ташсельмаш» заводи кўзов цехининг ишчиси.

Қувон, ўзбек халқи!

Бутун ва бутунларда ўзбек халқи катта тўйчи!.. Ҳа, азамат марлининг, меҳнатга жонбозликнинг, курашда шовқонликнинг, ишда ғолибкорликнинг ғашти улуг, бундай азиз донлар гоёт қутлуг, бундай пайларда севиниб ўйнаб кулишга одамнинг ҳақи тўғри!!

Қувон ўзбек халқи, сен бунга сазоворсан! Сени бутун ўзбекистонликлар, сен бунга лойиқсан.

Шод бўл, барча совет кишилари, бу ғалаба ҳаммамизнинг шерикли ҳимматимиздан келиб чиққан «оқ олтин» тантанасидир.

Бизнинг пахтамиз бутун Ватан аҳлига сурур келтиради, пахтакорлар дилига эса—гурур! Шу учун забардаст пахта усталаримиз оламда машҳур!..

Бу улугвор тўйда бизнинг Тошкентимиз тўйбоси бўлмоқда ҳақиқат, албатта: аввало пахта Республикасининг пойтахти сифатида, иккинчидан—ўз областимизнинг маркази сифатида!.. Гарчи об-ҳаво шароити туфайли областимизда пахта планининг бажарилиши кейинги сурилатган бўлса-да, лекин 400 минг тоннадан ортиқ пахта териб Ватанга топширган област, юрт хазинасига шундай катта ҳисса қўшуши билан ғолибдор қилмоқда ҳақиқат.

Биз республика билан биранида эл хурсандчилигига қўшилиб илгорларни таъриқлаймиз! Биз мусобақаларимиз қаҳрамон Андижонни кучоқлаб «Зафарлар қутлуг бўлсин!» деймиз. Биз пешқадам Сурхондарёни олқишлаймиз, Қашқадарёни олқишлаймиз, Қорақалпоқликларга «офарин!» деймиз.

Биз областимиздаги ғолиб районларга, колхозларга, бригадаларга, звеноларга, тракторчиларга, миробларга, агрономларга, термичиларга «яшанг!» деб ҳайқирамиз!

Бизнинг халқимизнинг пахта учун кураши аям бир апофея, ғамас бир дostonдирки, бу ҳашаматли китобнинг қаҳрамонлари ўзбек халқининг шарафли фарзандларидир.

Бу рўйхат гоёт улуғ ва шарофатли рўйхатдир. Булар зомонамизнинг аёл одамлари, Ватанимизнинг отоқли арибодлари, коммунизм воқелининг чарчмас йўлчилари, бир сўз билан айтганда чинакам совет кишиларидирлар.

Кани энди шоирларимиз, достончиларимиз, қиссанависларимиз, романичиларимиз, драматургларимиз бу одамларнинг улуг ғазилатларини, каттарин қиссаларини, соғом ихроқларини, ўткир эҳдиларини, меҳрибон қалбларини, олижаноб инсоний ҳаётларини тасвир қилиб берсалар!

Менингча икки райком котибларининг мусобақаларини, дўстлиги ва шу билан бирга иккаласининг ҳам пешқадам районларга раҳбарлик қилаётганлиги ақлоқ тасвирлаб берган қалам адабистимизга ҳам, жамиятимизга ҳам кўп катта хизмат кўрсатган бўлур эди. Булардан биттаси Тошкент областидagi илгор Оржоникиде райони партия комитетининг биринчи котибаси Каромат Тошқуловга бўлса, иккинчиси Андижон области Хўжабод рай-

он партия комитетининг биринчи котибаси Турсунов Каримовлар. Ҳар иккала район ҳам пахтадан юқори ҳосил олиш билан машҳур. Ҳар иккаласи ҳам меҳнаткаш халқнинг ичиндан чиққан шарафли ўзбек қишлоқлари! Партия ва Совет ҳукумати бу оқий ва камтарин қишлоқларни йиллик партия ва давлат арбоби қилиб парвартириш қилди. Пахта учун кураш бу кишиларнинг ўсиш йўлида катта ҳаёт ва сўбат мактаби бўлди. Булар ўртасидagi мусобақа меҳнатга социалистик муносабатнинг яққол намунасидир.

Термичиликда бутун иттифоқ бўйича шўҳрат топан, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саодат Гуломхонидовнинг номини айтишдан ким бор?! Унинг адреси: Тошкент области, Бўқа районидagi Хрущев номидаги колхоз. Бу адресни мамлакатимизнинг аниқ олис шаҳарларида ҳам, қишлоқларида ҳам кўп почтахоначаларнинг хотимлари ёздан билдилади. Ун мингдан ортиқ мактуб олан бу қизга студентлар ҳам, агрономлар ҳам, совет аскарлари ва офицерлари ҳам, темир йўлчилар ҳам, шахтерлар ҳам ҳақиқатда турдиладар. Ўз колхозиди звено бошлиғи бўлган бу қиз бир неча йилдан буён йилдан-йилга 20 лаб, 30 лаб тонна пахта териб давлатга топширди. Бу ғайратнинг Ватан учун қанчалик зўр аҳамиятга эга бўлганини донбасли шахтер жуда яхши ўқитиб ўтган. «Сиз, — дейди у Саодатга ёзган мактубида, — «оқ олтин» йиғасиз, мен эсам «қора олтин». Аммо сиз ҳам, мен ҳам икки чеккадан туриб Ватан хазинасини бойитишда ҳамкоримиз... Республикамизда юзлаб-минглаб термичи қизлар, Саодатни ўзларининг севишли дўстоналари деб биладилар ва ундан ибрат олиб «Саодатимизмоқчи» бўлишлар. Булардан биттаси «Пискент» совхозиди звено бошлиғи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Соҳиба Гуломхоновадир. Соҳиба Саодат билан мусобақага киришиб ўзи ҳам дондор термичи бўлиб қолди. Ана социалистик мусобақанинг ҳикмати шундаки, бу усул туфайли умумий ишларимиз ҳам олға босади, айрим кишиларимиз ҳам муттасил ўсади.

Пахта учун кураш ҳақиқатда фаровонлигининг манбаи, давлат-мандилининг негизи бўлиб келмоқда. Пахта ичидида аталгангайтан янги-янги ерлар оёб бўлмоқда, бу ерларга жойлашган одамларимиз эса дилшо! Боёвут районидagi «Коммунизм» колхозини бу фикримизнинг яққол исботи бўла олуру. Бу колхоз дариманд Фарҳоннинг афсоналарига макон бўлган илгарини дашту-қийбонда бино бўлганга саккиз йил ҳам тўлган йўқ. Аммо ҳозир бу колхозда янги, планлиқ иморатлар, клуб, боғ, мактаб, касалхона, ўйлаб машиналар мавжуддир. Булар қаердан келиб чиқди? Мўл ва юқори қишлоқдан, пахта планининг бажарилишидан, колхозчилар ўз аммаларига олган мажбуриятини шараф билан амалга оширишларидан келиб чиқди. Бир ярим минг гектар ерга экилган пахтадан ҳар гектарига 30 центнердан ортиқ ҳосил олин-

ди. Сирдарёнинг Боёвут канали орқали чиқарилган ҳаётбахш сувларни чўғини тириктирди, одамларга роҳат ва давлат келтирди. Бу колхозни яшнатган одамлар ўзлари ҳам моддий фаровонликка эришдилар. Манабу ҳаётларида ҳам катта ўзгаришлар бўлди. Аввало чўпон, суғира старший лейтенант бўлган Турсунов Латипов бу колхозни 1949 йилда тузатилардан бири. Ҳозир у раис. Бутун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бўлган Турсунов қаттиқ меҳнатларда эришилган ютуқларни, оёб ва дилшод колхозни, баракали даладорни, қувноқ болаларни, шинам уйларни, муҳаббатли тўйларни кўриб турганида чекилган заҳматлар бекор кетмаганини кўради, унинг юраги суюнганди бардам урди.

Мирзачўлининг илгари «қўй ботган» деган шўри заҳ ерлари булар эди. Бу жойнинг номини бу ерларнинг лой, тўқай, балчиқ эканлиги далолат беради. Аммо ҳозир Гулистон райониди Ленин номидаги колхоз худди ўша ўлик ерда гурираб яшнаб турганига ким бовар қилади. Ҳа, бу ерни ҳозир гулистон деса бўлади. Нега? Чунки боғзор ва саробчилик макони бўлган шу колхозда Анварали Йўлдошевдир, Курбонали Исмомовдир, Ганишер Юнусовдир машҳур бригадирлар борки, буларнинг ҳиммати, саботи ва маҳорати орқасида бу колхоз республикамизнинг фахрлининг сазовор қишлоқлардан бири бўлиб қолди. Намангандан, Андижондан кўчиб келган бу азаматлар Фарғонанинг меҳнатсевар анъаналарини Мирзачўлининг ҳом ерларига пайван қилдилар ва ўз ғайратлари натижасида ўз бригада ерлариди 40,5, 41 ва 39 центнердан пахта олиб давлатга топширдилар. Бундай командирларга ата бўлган Соҳиба ака Назаров (колхоз раиси) севинишга ва фахрлининг ҳақин амаси?

Октябрь районидagi «Шарқ юлдузи» колхозининг устакорларини, айниқса уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, донишманд халқ филозофи Ҳамроқул отани ким таънамайди?

Ўртасарой районидagi «Полярная звезда» колхозининг раиси, кўраги қўй олтин юлдузи Ким Пен Хаани ким билмайди? Бурунги маҳалларда «Чимингет» (исмидан жисми мавлуд дегандай) аталган ерларда гул-лаётган бу колхоз кўп кичик шаҳарлардан қолдишмайди. У ерга борган саяхатчилар бу колхоз-шаҳарнинг афзал кўчаларини, меҳмонхонасини, паркларини, мактабни, машиналарини кўрганда ғайри ихтиёр равишда «Япасин ҳаётло меҳнат, яшасин мураббимиз ва ғамхўримиз Коммунистик партия!» деб ҳайқира олай туролмайдилар.

Ҳа, биз бу ютуқларга социализм деганда, партияимизнинг доно етакчилигида, халқларимизнинг дўстона оиласида эришдик. Шу учун бутунги тўй ва тантанамиз коммунизм уфқларига бориш йўлидан, шарафли манзиллардан бири бўлиб кўрпиди ва биз бир оғиздан «Бор бўлсин юртимиз, маҳкам турсин совет паспорти!» деймиз.

ОБЛАСТИМИЗНИНГ ИЛҒОР ПАХТАКОРЛАРИ



СУРАТДА: (юқоридан, чапдан ўнгга) Х. Дебердеева — Юқори Чирчиқ районидagi «III Интернационал» колхозининг бригадаси бошлиғи. М. Юнусов — Оқкўрғон районидagi «Ленин» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. А. Убайдуллаҳов — Сирдарё районидagi Охунбобоев номидаги колхоз раиси, Социалистик Меҳнат

Қаҳрамони. Е. Кополова — «Ўзбекхалқомаш» заводининг илгари-теринда яхши ишлаган парзловчиси. А. Йўлдошев — Гулистон районидagi Ленин номидаги колхозининг бригадаси бошлиғи. Ғ. Қодиров — Оржоникиде районидagi Ленин номидаги колхозининг бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Пахта ҳосилини тинмай оширамиз

Бутун, республикамиздаги пахта тайёрлаш планини муддатидан олдин бажарганлигини тўғрисидаги хўшхабар-колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

рашдилар ва етиштирилган ҳосилнинг биз, граждани ҳам нобуд қилмай йиғиб-териб олишга пахта тайёрлашнинг буюк ҳиссасини бажарди. Натижада бу бригадаси аъзолари 92,5 гектар ернинг ҳар гектариди 36 центнердан, Х. Йўлдошев бошлиқ бригадаси 36,5 центнердан пахта топширди. Ином Расулов бошлиқ звено бу йилги шароитда ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштириб ҳамма қи-вил қолдирди. Бу звено 10,5 гектар ернинг ҳар гектариди 45 центнердан пахта йиғиб олди.

Биз пахта тайёрлаш планини Улуғ Октябрнинг 40 йиллиги арафасида бажардик. Шундан кейин ҳам пахта топширишини қўлдан давом эттириб, ҳозиргача 673 гектар ернинг ҳар гектариди пландаги 28 ўрнига 32 центнердан ҳосил йиғиб олдик. Об-ҳаво шароити бирмунча оғир келган бу йилги шароитда колхозимиз пахтакорлари 1956 йилдаги нисбатан кўп пахта топширдилар.

Шу кунларда келгуси йил мўл ҳосил учун кураш ҳар тарафлама кучайтирилган. Ўғзаловсен ялиб олинган 300 гектар ер сифатли шуддор қилинди. Меҳнаткорлар ерларни янги йилгача шуддордан чиқариб қўйишга ваъда бердилар. Биз республикамизда йиллик планини бажаришнинг тўғрисидаги хўшхабарни эшитиб гоёт қувондик. Ўғзаловсен ялиб олинган 300 гектар ер сифатли шуддор қилинди. Меҳнаткорлар ерларни янги йилгача шуддордан чиқариб қўйишга ваъда бердилар. Биз республикамизда йиллик планини бажаришнинг тўғрисидаги хўшхабарни эшитиб гоёт қувондик. Ўғзаловсен ялиб олинган 300 гектар ер сифатли шуддор қилинди. Меҳнаткорлар ерларни янги йилгача шуддордан чиқариб қўйишга ваъда бердилар.

Абдурахим Рустамов, Холдор Пулатов, Нағиббек Қосимбеков, Абдулла Раҳмонов, Абдухамид Назирқулов саяхатчи бригадаларининг, Ином Расулов, Човар Бўронов ўртоқлар бошлиқ звеноларининг аъзолари бу шуларга ўхшаш илгор пахтакорларимиз ўз аммалариди натижа-нинг тўла бажарилиши учун к-



Ер ҳайдасанг куз ҳайда, кўз ҳайдамасанг юз ҳайда.

Мамлакатга 40 минг тонна пахта етказиб бердик

мажбуриятни ҳам о
Райондагина эмас
қолаверса республик
қосил еттиштирган
қоридан жой оли, го
ни қўлга кирити. Ё
шлоқдаги каттадан-
янги зафарларга их
гайратлаштириб турмо
Ханим НАЗ
Салимжон МАХНАМ
жоникиде районидаги
в номли колхоз.

Ҳаким НАЗ
Салимжон МАҲНАМ
жоникидзе райондаги
В номли колхоз.

Ер сунъий
йўлдошларининг
ҳаракати тўғрисида

ОСИЕ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ
БИРДАМЛИГИ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА
ҚАТНАШАДИГАН СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ
КОХИРАГА КЕЛДИ

ҚОҲИРА, 22 декабрь. (ТАСС). Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги конференциясида қатнашадиган совет делегацияси «ТУ-104» самолётида Қоҳирага келди. Бу конференция 26 декабрда Қоҳирада очилади.

Шу самолётда айни бир вақтда
Хитой Халқ Республикаси, Мўғу-
листон Халқ Республикаси, Корея
Халқ-Демократик Республикаси ва
Вьетнам Демократик Республикаси-
нинг делегациялари ҳам борлиқлар

Қоҳира аэродромида делегатларни
Осиё ва Африка мамлакатлари бир-
дамлиги конференциясини қадириш-
га тайёргарлик комитетининг аъзо-

жана, Миср Миллий бирламлик комитетининг вакиллари, Миср делегациясининг аъзолари, касабда сома вакиллари ва Мисрдаги бошқа жамоат ташкилотларининг вакиллари, гиндик тарофдорлари миллий комитетининг аъзолари, ёзувчилар, студентлар ва ўқувчилар, Қоҳира корхоналарининг ишчилари; Миср пойтахти жамоатчилиги кенг доираларининг наъмондаслари, маҳаллий ва чет эл мухбирлари кутуб олдлар. Делегацияларни СССРнинг Мисрдаги элчиси Е. Д. Каселев, Хитой Халқ Республикаси элчиси Чень Цзя-кан, совет ва хитой адибоналарининг ўқимчилари кутуб олди.

Ишчиларнинг, студентларнинг ва юқори синф ўқувчиларининг делегациялари «Мисрга хуш келяб-

ПОРТ-САИДДА ҒАЛАБА КУН БАЙРАМ КИЛИНИШИ

БУХИРА, 23 декабрь. (ТАСС). Бугун Мисрда империалистик агрессиянинг мағлубиятга учраган-лигига ва инглиз-француз қўшин-ларининг Порт-Саиддан олиб чиқиб кетилганига бир йил тўлишгачи ни-шонлаш юзасидан галаба кун

байрам қилинмоқда. Байрам муносабати билан бугун бутун мамлакатда иш бўлмайдиган кун деб эълон қилинди.

Порт-Санд байрам либосини кийган. Ҳамма жойда байроқлар, плакатлар, транспарантлар осиб қўйилган. Ўйларнинг деворлари гулшодалари билан безатилган, кўшкучаларида тантана аркалари қурилган. Республика президенти Жамоал Абди Носир, Миллат мажлисининг раиси Бағдодий, парламент депутатлари, ҳукумат аъзолари, Мисирнинг турли шахар ва вилоятларидан делегациялар Порт-Сандга келдилар. Байрам тантаналарида Осиб ва Африка мамлакатлари бирлашмиги конференциясида қатнашиш учун Мисрга келган делегацияларнинг аъзолари ҳам қатнашди.

Порт-Саид аҳолиси президент

Тошкентлик ёш
боксчиларнинг ғалабаси

Носирнинг ҳукумат аъзолари ва

ҲАВФЛИ

Туркияда атом

ИСТАМБУЛ, 23 декабрь. (ТАСС).
Матбуотнинг хабар беришича, Туркия территориясида Америка ва Туркия ҳарбий мутахассислари ҳозир бўлгани ҳолда атом синовлари ўтказилган. «Ени сабах» газетаси

НАВОНИИ НОМЛИ
ТЕАТРА
ТЕЗ КУНДА
ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ
М. Ашрафий музикаси

ДИЛОРОМ

5 парда, 7 кўринишли опера.
 Либретто авторлари —
 Ўзбекистон ССРда хизмат
 кўрсатган санъат арбоби,
 Сталин мукофоти лауреати
 Комил Яшин ва Ўзбекистон

ЎЗРда хизмат кўрсатган
санъат арбоби **Музаффар**
Муҳамедов (Алишер На-
войнинг «Етти сайёра»
номли асари асосида).
Дирижёр — СССР халқ
артисти, Сталин мукофоти

ЎзБда хизмат кўрсатган санъат арбоби **Музаффар Мухамедов** (Алишер Навоийнинг «Ўтти сайёра» номли асари асосида).

Дирижёр — СССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати, профессор **Мухтор Ашрафий**.

Постановкичи — Ўзбекистон СССР халқ артисти **Э. И. Юнгвальд-Хилькевич**.

Расом — Ўзбекистон СССР халқ расмони, Сталин мукофоти лауреати **Мели Мусаев**, костюмлар расмони — **Г. Н. Цетелова**.

Балетмейстер — Ўзбекистон СССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Галия Измайлова**.

Хормейстерлар — **Л. М.**

Шамшин, Фавзия Файзий.
Режиссёр ассистенти —
Ўзбекистон ССР халқ ар-
тисти А. И. Бойко, дирижёр
ассистенти — Абдуғани Аб-
дуқаюмов.

Тошкентлик, вазиб боксинлар, ора

В. ГОЛЬДЕНШТЕЙН.

Редактор З. ЕСЕНБОВ.

Ўзбекистон контораси
ОВКАЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА

ИККИ ФАЛАБА

НОМЛИ ЯНГИ КИНО-
КОМЕДИЯ ЧИҚАРАДИ .

Две
ПОБЕДЫ

Сценарий авторлари —
Анжел Вагенштейн, Веселин
Ганчев, Христо Ганев.

Никола Попов, Николина
Лекова, Асен Миланов, Пен-
чо Петров, Андрей Чап-
розов, Георгий Асенов, Три-
фан, Железков

Фильми Болгариянинг Со-
фиядаги бадий фильмлар
студияси ишлаган. «Лен-
фильм» киностудиясида рус
тилига таржима (дубляж)

қилинган ва 1957 йилда чи-
қарилган.

=====

ТИМИ — 136.

№ 1907